

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ, МАНГУ БЎЛ ОМОН!

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan

2019-yil 1-avgust, payshanba 50 (9017)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНСККА КЕЛДИ

Минск, 31 июль. Ўза махсус мужбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 31 июль куни расмий ташриф билан ушбу мамлакатга келди.

"Минск" миллий аэропортида олий мартабали меҳмонни Беларусь Республикаси Бош вазири Сергей Румас, ташқи ишлар вазири Владимир Макей ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Давлатимиз раҳбари Беларусь расмий таомилига биноан Минск шаҳридаги Ғалаба монументи пойига гулчамбар қўйди.

Ҳарбий оркестр ижросида икки давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул аскарларининг тантанали марши бўлиб ўтди.

Ғалаба монументи мамлакат пойтахти рамзларидан биридир. Ёдгорлик Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалаба ҳамда фашизмга қарши курашда жон фидо қилганлар хотирасига атаб 1954 йилда бунёд этилган.

Ташрифнинг асосий воқеалари 1 августга мўлжалланган.

Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко Минск шаҳридаги Мустақиллик саройида тор ва кенг доирада музокаралар ўтказди. Ушбу музокараларда 2018 йил Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон – Беларусь олий даражадаги мулоқотининг давомий сифатида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилган.

Мулоқотлар якуни бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти имзоланиши ҳамда Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўп қиррали шерикликни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган салмоқли ҳужжатлар тўплами қабул қилиниши кутилмоқда.

Мазкур келишувлар мамлакатларимиз ўртасида инвестициялар, ишлаб чиқариш, илмий-техник кооперация соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга мустақкам асос яратади.

Ташриф дастуридан Президентларнинг Минскда очилган Ўзбекистон миллий sanoat кўргазмаси ва Беларусь юқори технологиялар парки билан танишуви ҳам ўрин олган.

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ЭЛНИ ФАРОВОН, ХАЛҚНИ БОЙ ҚИЛУВЧИ ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАРИДАН БИРИ – КЛАСТЕР ТИЗИМИ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАН БЎЛИБ, ХУСУСАН, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ЎЗИНИНГ ЮКСАК САМАРАСINI КЎРСАТМОҚДА.

КЛАСТЕРЛАР

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги олдидан

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖИДА ЛОКОМОТИВГА АЙЛАНМОҚДА

Юрт тараққиётини, мамлакат қудратини белгилувчи омиллар жуда кўп. Аммо тинчлик ва фаровонликни ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ўзбекистонда сўнги икки йилда амалга оширилаётган ислохотлар, янгиланишлар бугун дунё ҳамжамияти томонидан алоҳида эътироф этилаётир. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳаётий тажрибаси, оқилона сиёсати, халқ дарди билан яшashi – барча ютуқларнинг замини бўлиб хизмат қилмоқда.



ИҚТИСОДИЁТДАГИ ЯНГИ ТУЗИЛМА

Халқимиз яқин-яқингача "деҳқоннинг косаси оқариши" борасидаги гапларга ишонмас эди. Тўғрида, бир пайтлар мамлакатимиз аграр соҳада анча қолоқ бўлгани, бободехқонлар йил бўйи минг машаққат билан етиштирган пахтанинг роҳатини бошқа давлатлар кўргани ҳам айни ҳақиқат. Бугун-чи, вазият тамомилан бошқача. Мамлакатимиздаги ўнлаб замонавий корхоналар томонидан ўзбек толасидан тайёрланаётган маҳсулотлар нафақат бозорларимизни

тўлдирмоқда, балки хорихда ҳам харидориги бўлиб бормоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ҳаётга таъбиқ этилаётган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ иқтисодиёт соҳалари, хусусан, қишлоқ хўжалигининг пахтачилик тармоғи тубдан ислоҳ қилинмоқда. Юртимизда кейинги уч йилда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги бўйича ҳам муҳим дастурлар, "Йўл харита"лари ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда. Қишлоқ

хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер модели кенг жорий этилаётир. Сўнги икки йилда пахта-тўқимачилик кластерларига ажратилган ер майдонлари ҳажми мазкур экин тури учун ажратилган қишлоқ хўжалиги ерларининг 52 фоизини ташкил этди. Истиклолнинг дастлабки йилларида заминимизда етиштирилаётган пахта толасининг атиги 6-7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, бугунги кунда камида 80 фоизини қайта ишлаш имконияти пайдо бўлмоқда.

(Давоми 3-саҳифада)

ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРАДИ

Электр энергиясиз кундалик турмушимизни, иқтисодий ривожланишни тасаввур қилиш қийин. Шу боис мамлакатимизда аҳолини сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш устувор вазифалардан саналади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 1 киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 450 сўм сарфланади. Аҳолига эса 250 сўмдан етказиб бериллади. Бундан мақсад – халқимизни моддий қўллаб-қувватлаш.

Албатта, дотация ўз йўлига, лекин зарар билан ишлаш соҳа ривожига кучли салбий таъсир кўрсатишини ҳам унутмаслик керак. Вазият ўзгармаса, модернизация имкониятлари юзага келмайди, инвестицион муҳитга пугур етади. Юз сўмлик маҳсулот

ишлаб чиқариб, 50 сўмга сотиш кимга ҳам ёқадми? Бундай соҳани модернизация қилишга ким ҳам пул тикади? Бу омил янги лойиҳаларни амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда. Энергетик дотациянинг мамлакатга зарари ҳақида яна кўп гапириш мумкин.

Шу ўринда тизимда кўз юмиб бўлмайдиган кескин муаммолар юзага келганини очик-ойдин айтиш вақти аллақачон етганини таъкидлаш керак. Мамлакатимиздаги айрим электр станциялари ўтган асрнинг биринчи

ярмида, "янгилари" 10-20 йил кейинроқ қурилган бўлиб, узоқ вақт модернизация қилинмаган ва маънан жуда эскирган. Электр тармоқлари ва трансформатор пунктларининг қарийб 65 фоизи ўз хизмат даврини ўтаб бўлган.

Шу билан бирга, аҳоли кўпайиши ва яшаш ҳудудлари кенгайиши, турмуш даражаси ўсаётгани, ҳар бир оилада телевизор, кондиционер, музлаткич, компьютер, уяли алоқа ва бошқа турдаги маиший техника воситалари кўп ишлатилаётгани, ишлаб чиқариш, қурилиш ва хизмат кўрсатиш суръатларининг ортishi электр энергиясига талаб кескин ошишига олиб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Республиканинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги салоҳиятини янада ошириш, олиб борилаётган ислохотлар ва замон талабига тўлиқ жавоб берадиган ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, стандартлаш ҳамда агробизнес йўналишида консалтинг, маркетинг хизматларини ривожлантириш ва илмий тадқиқотларга асосланган интенсив агросаноат тизimini ташкил қилиш, озиқ-овқат sanoatини янада ривожлантириш, соҳанинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш ва аграр соҳага замонавий технологияларни жорий қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ва "Ўзбекозиқовқатхолдин" ЖК томонидан Ўзбекистон Республикасида 2019-2021 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат sanoatини янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган:
 - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини асосий турларини қайта ишлаш ва экспорт қилишнинг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;
 - хорижий кредит линиялари ҳисобидан йирик агрологистика комплексларини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ;
 - замонавий агрологистика марказларини ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ;
 - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ;
 - импорт ўрнини босувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар режаси 5-иловага мувофиқ;
 - мева-сабзавотчиликка ихтисослашган туманлардаги самарасиз боғлар ўрнида интенсив боғлар ташкил этишнинг мақсадли параметрлари 6-иловага мувофиқ;
 - республика ҳамда ҳудудий синов ва сертификатлаштириш марказлари ҳузурдаги синов лабораторияларини модернизация қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 7-иловага мувофиқ;

кабул қилинадиган озиқ-овқат sanoati соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати 8-иловага мувофиқ; қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш бўйича "Йўл харитаси" (бундан буён – "Йўл харитаси") 9-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ ва "Асак" АТБ ҳамда бошқа тижорат банклари билан биргаликда жалб этилаётган қуйидаги манбалар ҳисобидан:

- а) мазкур қарорнинг 2-5-иловаларига мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ва чора-тадбирларга тегишлилиги бўйича:

Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари қўшма инвестиция компанияси маблағлари; Жаҳон банкининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва рақобатбардошлигини ошириш учун 200,0 миллион АҚШ доллари ҳамда қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш учун 200,0 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағлари;

Осиё тараққиёт банкининг йирик замонавий агрологистика комплексларини ташкил этиш учун 347,0 миллион АҚШ доллари ва чорвачиликни ривожлантириш учун 150,0 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағлари;

Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг мева-сабзавотчиликни ривожлантириш учун 200,0 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағлари; Франция ривожланиш агентлигининг чорвачиликни ривожлантириш учун 170,0 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағлари;

Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармасининг қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш учун 46,6 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағлари;

б) мазкур қарорнинг 7-илоvasида назарда тутилган синов лабораторияларини модернизация қилишга Жаҳон банкининг 6,2 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит маблағларининг йўналтирилишини таъминласин.

(Давоми 2-саҳифада)

МУАССИСЛАР БОРМИСИЗ,

газетангизнинг ҳолидан хабардормисиз?..

Калта ил боғловга етмас, деган гап бор. Бугун мамлакатимиздаги кўплаб газета-журналларнинг иқтисодий аҳволи ҳам худди шу ҳолатни ёдга солади. Бугун ҳатто қатор нуфузли тахририятларнинг ҳам тақдирини сўроқ остида қолмоқда. Сабаби маълум, "мажбурий обуна" мумкин эмас. Шу баҳона газета, журнал обунасини ташкил этишга ташкилот мутасаддис томонидан бош-қош бўлиш ўз вазифасини суиистеъмол қилиш, дея баҳоланадиган бўлди.

Айниқса, таълим-тарбия энг чўққиси бўлди. Нега бугунги ўқоқлари учун гоятда зарур бўлган, муаллимнинг иш қуролларидан саналган нашрлар обунаси учун кўрсатма берган таълим мутасаддиларининг жазоланиши бунинг

тори "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг ҳам адади тушиб кетди. Шу ўринда айримлар эътироз билдиришлари ҳам мумкин, адалнинг пасайиб кетишига тахририят жамоаси ҳам сабабчи, дея. Яна бировлар газетанда фақат расмий материаллар чоп этилишини, қизиқарли хабарлар йўқлигини таъкидлашади. Тўғри, бу гапларда ҳам жон бор. Газетанинг ҳар бир сониди беш-ўн талаб улур айтмоқчи, "портлаб кетди", "ёниб кетди" руҳидаги "қизиқарли" мақолалар берилмаётгандир, лекин қанчадан-қанча танқидий,

тахлилий, мулоҳазага чорловчи мақолалар берилляпти. Энг муҳими, муассислар фаолияти, уларга кўмаклашувчи мақолалар ёритилляпти, тарғибот қилинляпти. Энг қизиги, ўзлари газетадан анча йироқ, интернетдаги олди-қочди хабарлардан бошқасини ўқишга сабри етмайдиганлар ўшандай фикрларни билдиришади. Хўш, нашр фақат қизиқарли бўлиши шартми, унинг бошқа вазифаси йўқми? Муассислари обуна масаласини тўғри йўлга қўйган нашрлардан

бу масалада муаммо йўқ, ижодий жамоалари фақат ижодий ўйлар билан банд.

Энди "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг муассисларига келсак. 1974 йилдан буён мамлакатимизнинг нуфузли нашрларидан бири сифатида фаолият кўрсатиб келаётган мазкур газетанинг бугун Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмахсулот" АК, "Ўзпахтасаноат" АЖ, "Ергодездекадастр" Давлат кўмитаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, "Агробанк", Халқ банки, "Қишлоқ қурилиш банк", "Ўзгагросурғута" АЖ сингари 22 та муассиси бор. Буни кўриб, ух-ух "Қишлоқ ҳаёти" газетасидагиларнинг пичоғи мой устида эканку, деган ўйга боришингиз табиий.

(Давоми 3-саҳифада)

(Боши 1-саҳифада)

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Осиё тараққиёт банки иштирокида "Мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири инфратузилмасини ривожлантириш" лойиҳасини амалга ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи қарор қабул қилсин:

лойиҳанинг умумий қиймати 244,75 миллион АҚШ доллари, шу жумладан, Осиё тараққиёт банкининг қарз маблағлари 197,0 миллион АҚШ доллари, Ўзбекистон Республикасининг улуши солиқ ва боғхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш, инвестиция даврида молиявий харажатларни тўлаш ва бошқа сарф-харажатларни инвестиция даврида молиялаштириш эвазига жами 47,75 миллион АҚШ доллари эквивалентини ташкил этиши;

Қишлоқ хўжалиги вазирлигини лойиҳанинг бюртмачиси ҳамда Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлигини эса унинг ижро этувчи органи этиб белгилаш;

Осиё тараққиёт банки билан имзоланган қарз битими ва лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланшига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқини бериш ҳамда лойиҳанинг амалга оширилишини тезлаштириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси билан Осиё тараққиёт банки ўртасида имзоланган молиялаштириш тўғрисидаги қарз битими юзасидан белгиланган тартибда юридик хулоса берсин.

5. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни ривожлантириш бўйича ишчи гуруҳи (бундан буён – Ишчи гуруҳ) 10-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ва унга мазкур қарорнинг 2-9-иловаларида назарда тутилган инвестиция лойиҳалари ва тадбирлари амалга оширишни ташкил этиш, лойиҳа ташаббуслари билан бирма-бир учрашиб, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида юзага келган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш ҳамда уларнинг муддатига ва сифатли амалга оширилишини мониторинг қилиш вазифаси юклатилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари мазкур қарор иловалирига мувофиқ амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари учун зарур ер майдонлари ва бўш бинолар ажратилишини ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш масалаларини ҳал этсин.

Ишчи гуруҳи (Б.Ходжаев) мазкур қарор ижросининг бориши юзасидан ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.

6. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари секторига юқори қўшилган қиймат занжирини яратишни рағбатлантириш мақсадига экинларни жойлаштириш ва қайта ишлашнинг самарали инфратузилмасини яратиш;

маҳсулотларни йиғиш, ташвиш, сақлаш, қайта ишлаш, қадоқлаш, ички ва ташқи бозорга етказиб бериш борасида хизмат кўрсатувчи замонавий агрологистика комплекслари ва марказлари тизимини шакллантириш;

агрологистика комплекслари ва марказларини жойлаштириш, қуриш, уларни бошқариш бўйича компанияларни ташкил этиш;

хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда агрологистика комплекслари ва марказларида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро талаблар асосида, сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовларни ўт-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

қазиш имкониятига эга бўлган лабораториялар, боғхона терминаллари ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш;

кооперация иштирокчилари, деҳқон ва фермер хўжаликлари, агроластерлар ва қишлоқ хўжалиги бирлашмаларини яратилаётган агрологистика комплекслари ва марказлари фаолиятига кенг жалб қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва экспорт ҳажмларини ошириш бўйича манфаатдор вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

1-иловага мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига эришиш учун амалга ошириладиган ишларни;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда "Йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирларнинг муддатига ва сифатли бажарилишини мувофиқлаштириб боради;

в) "Ўзбекистонқозғатқолдин" ХК:

мазкур қарорнинг 5-иловасида назарда тутилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан чоралар қўради;

импорт ўрнини босувчи ва экспорттоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш бўйича ишларни тизимли ташкил этади.

7. 2019 йил 1 августдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини экспорт қилувчиларнинг маҳсулотни сертификатлаштириш бўйича харажатлари "Ўзстандарт" агентлигининг асосланган ҳисоб-китоблари мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан қопланади;

б) қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

миллий валютада, қиймати 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоиз ставкасида – қайта молиялаштириш ставкасида ошадиган қисмига, бироқ 5 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда;

хорижий валютада, қиймати эквивалентда 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдорда жалб қилинадиган кредитлар бўйича – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 40 фоизи, ammo 4 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация берилади;

кредит суммасининг 50 фоизига, бироқ 8 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда кафилликлар берилади;

в) мазкур қарорнинг 6-иловасига мувофиқ самарасиз боғлар ўрнида интенсив боғлар ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон

"Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 7-бандининг "б" ва "в" кичик бандларида назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари татбиқ этилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси: Самарқанд, Андижон, Тошкент, Фарғона, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 октябрга қадар мазкур қарорнинг 2-иловасига мувофиқ ҳудудларда барпо қилинадиган йирик агрологистика комплекслари учун ер майдонларини ажратиш, агрологистика комплексларини муҳандислик, йўл ва транспорт инфратузилмаларига уланишини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин;

Бухоро ва Хоразм вилояти ҳокимликлари билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар Бухоро ва Хоразм вилоятларида йирик агрологистика комплексларини барпо этиш учун халқаро молия институтлари ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб этиш чораларини назарда тутувчи ҳукумат қарори лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши томонидан кооперация бирлашувини жорий қилиш бўйича Жиззах вилоятининг Ғаллаорол ва Зомин туманларида, Самарқанд вилоятининг Булунгур ва Ургут туманларида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ ва Қува туманларида, Тошкент вилоятининг Қибрай ва Паркент туманларида ўтказилган тажриба-синовларнинг ижобий натижаларига кўра мазкур тадбири республиканинг бошқа ҳудудларида амаллаштириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиш (сотиш бўйича хизмат кўрсатиш), таъминот, боғдорчилик, томорқа, чорвачилик хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатувчилар томонидан аъзолик бадаллари (пайларни) киритиш асосида ташкил қилинган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари субъектлари сонини ошириш, уларга кенг имконият ва қўшимча қулайликлар яратиш мазкур соҳадаги устувор йўналишлар деб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва бошқа манфаатдор вазирлик, идоралар ва уюшмалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида аҳоли, томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликларини томонидан қишлоқ хўжалиги кооперация бирлашмаларини ташкил қилиш, кооперация асосида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва

юритишни кенг жорий қилиш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

2019 йил 1 октябрга қадар боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлашнинг аниқ манбаларини кўзда тутган ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон "Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг 5-бандида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва уларнинг аъзоларига давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларининг таъсирчанлигини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

2019 йил 1 сентябрга қадар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, халқаро бозорларда "Ўзбек сифати" белгисини янада мустаҳкамлаш ва унга эътиборни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин; давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларидан фойдаланган ҳолда қуриладиган агрологистика комплекслари ва марказларида замонавий сақлаш жойлари, шу жумладан, тез бузиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини мабул ва узоқ сақлашга мўлжалланган музлатиш омборлари ва термо-режим омборлари, транспорт парки, маҳсулотнинг рақобатбардорлиги ва экспорт салоҳиятини ошириш учун уларни миллий ва халқаро стандартларга мувофиқ калибрлаш, қадоқлаш ва маркировкалаш учун ускуналарнинг мавжудлиги, маҳсулот ва уни етиштириш агротехнологик жараёнларининг сифат кўрсаткичлари мувофиқлигини текшириш учун лаборатория мавжудлигига эътибор қаратсин.

12. "Ўзстандарт" агентлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда:

мазкур қарорнинг 8-иловасида назарда тутилган ҳужжатларни асли ёзилган тилларда қабул қилиш;

халқаро стандартларни давлат тилига таржима қилиш орқали давлат фондига киритиш ишларини Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ва 2019-2021 йилларда тенг улушларда 4,5 миллиард сўм маблағ ажратиш;

2019-2021 йилларда ҳудудларда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг халқаро талаблар асосида, сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовларни ўтказиш имкониятига эга бўлган лабораторияларни таш-

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2019 йил 29 июль

Ш.МИРЗИЁЕВ

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИНГ НАРХИ НЕГА ОШИМОҚДА?

Хонадонимиздаги газ плитасидан чиқаётган "зангори олов" ёки уйимизни, кўчаларимизни ёритаётган электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш давлатга қанчага тушиши ҳақида ҳамisha ҳам ўйлабвермаймиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш масалалари юзасидан соҳа мутахассислари фикрлари билан қизиқдик.

Баҳром АШРАФХОНОВ, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ўринбосари:

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30 июль куни "Ёқилги-энергетика ресурсларининг нархлари ва тарифларни ўзгартириш тўғрисида"ги қарори билан молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ёқилги энергетика комплекси корхоналарининг мувозанатли ривожланиши ва безарар ишлашини таъминлаш мақсадига 15 августдан бошлаб энергия ресурслари тарифларига янги нархлар жорий этилди.

Охириги мартта бу борадаги ўзгартирилган бўлиб, аҳоли учун 1 киловатт/соат электр энергияси 250 сўм, 1 куб метр табиий газ 320 сўм эди. Вақт ўтиб, бу нархлар тахлил қилиб чиқилган, ҳозирги инфляция

табиий газни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш 751 сўмни ташкил этади. Шунингдек, давлатимиз томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимоясини ташкил этиш мақсадида паст нархлар белгиланди.

Мамлакатимизда янгидан-янги саноат зоналари, корхоналар қуриладигани, аҳоли сонини ортаётгани, янги маҳаллалар ва ёш оилалар қўлаётгани тўғрисида туфайли энергия ресурсларига эҳтиёж ҳам кун сайин ошмоқда. Бу жараённи энг чекка ҳудудларда ҳам кузатиш мумкин. Шунингдек, аҳоли молиявий хизматлар учун суоптирилган газдан ҳам кенг фойдаланишмоқда. Шу туфайли газнинг 1 килограммига 1 минг 120 сўм (+18 фоиз) нарх қўйилди.

Бундан ташқари, жорий йилнинг 15 августидан бошлаб:

– Аи-80 маркали автомобиль бензинининг чакана нархи – бир литри учун 4500 сўм (4000 сўм эди);

– Дизель ёқилгисининг чакана нархи – бир литри учун 5400 сўм (4800 сўм эди) этиб белгиланмоқда.

Иқтисодий ишлаб чиқариш учун бу ресурсларнинг аҳамияти жуда долзарб ҳисобланади. Шу боис мамлакатимизни узлуксиз равишда табиий газ ва электр энергияси билан таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралади. Аслида мазкур энергия манбаларининг асл таннархи аҳолига сотилаётганидан анча балеанд ҳисобланади. Масалан, 1 киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқариш учун 450 сўм сарфланмоқда. Шунингдек, 1 куб метр

Қозғоғистонда 80-90 доллар, Қирғизистонда 214 долларга тенгдир. Ўзбекистонда бу нарх 37,7 долларни ташкил этади.

Қамолiddин УСМОНОВ, "Ўзбекнефтегаз" акциядорлик жамияти департаменти бошлиғи:

– Бугунги кунда мамлакатимизда 3,5 миллиондан ортиқ (йиллик эҳтиёжи 10 миллиард куб метр) аҳоли хонадонлари ва 84 мингдан (йиллик эҳтиёжи 30 миллиард куб метр) ортиқ улгуржи истеъмолчилар табиий газ билан таъминланмоқда.

Утган йилги 150 мингта аҳоли хонадон ва 20 мингдан ортиқ улгуржи истеъмолчи, шунингдек, ҳудудларда ташкил қилинган эркин саноат ва кичик саноат зоналарида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари табиий газ тармоқларига уланди. Уларнинг эҳтиёжлари эса йил сайин ортиб бормоқда. Шу билан бирга, республикаимизда табиий газ қазиб олувчи, қайта ишловчи ва тақсимловчи корхоналар тизимидаги асбоб-ускуналар, 13 минг километрдан ортиқ магистрал газ қувурлари ва бошқа зурур техника воситалари эскирган. Бу эса улардаги йўқотишлар миқдорининг ошиши ва қувватларнинг етарличилиги қондира олмаслигига олиб келди.

Шу туфайли мазкур корхоналардаги техникалар ва асбоб-ускуналарни замонавийлаштиришга маблағи, аввало, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннарихидан ортиқ сотиш ва фойда қўриш ҳисобидан ажратиш мумкин.

Ўз навбатида, 1 минг куб метр табиий газ Украинада 100-150 доллар, Россия Федерациясида 80-100 доллар, Беларусда 90-110 доллар,

ЎЗА МУХБИРИ А.МУСАЕВ ёзди.

ДАВЛАТ ХАРАЖАТЛАРИНИ ҚИСҚАРТИРИШ ИЖТимоий-Иқтисодий РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Бундан ташқари, "Худудий электр тармоқлари" АЖ аҳолига АСКУЭ, яъни электрон ҳисоблагичларни бепул ўрнатиб бериш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бу ҳам қўшимча харажат, оқддий қилиб айтганда, моддий зарар. Рақамларга мурожаат қилсак, ҳар бир шундай ҳисоблагич ўрнатиш нархи билан ўртача 770 минг сўмга тушмоқда.

Айни пайтда муқобил энергиядан (қуёш, шамол ва ҳокзо) фойдаланишнинг ҳам ўзига хос муаммолари бор. Улар сарфланган маблағни қоплаши учун узоқ вақт талаб қилинади. Ваҳоланки, ҳар қандай инвестор имкон қадар тезроқ фойда олишни ўйлайди. Масалан, мутахассислар шамол ёки қуёш электр станцияси ишлаб чиқарган 1 киловатт энергия нархи 6 центгача етишини таъкидлайди. Станциянинг ўзини қоплаш муддатини узайтириш орқали бу кўрсаткични камайтириш мумкин, лекин ҳеч бир инвестор бунга рози бўлмайди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, электр энергияси тарифларини оптималлаштириш кўзда тутилмоқда. Модомики, истеъмол кун сайин ортар экан, давлат кўраётган зарар ҳам қўлаяверади. Вақти келиб, бутун тизим таназзулга учраши ҳам тайин. Демак, тизимда рентабеллигини ошириш учун унга бозор муносабатларини жорий этмасликнинг иложи йўқ.

Табиийки, нарх ошиши ҳеч кимга ёқмайди. Лекин янги ўзгаришнинг аҳамиятли томони шунки, нархдаги фарқ унчалик кўп бўлмайди. 1 киловатт/соат энергия нархи 295 сўмга чиқарилади, яъни бир-йўғи 45 сўмга оширилади. Энди бир оила ойига ўртача 150 киловатт энергия сарфлашини инобатга олсак, қўшимча тўлов атиги 6800 сўмни ташкил қилади. Бу бир-икки литр салқинлатувчи ичимлик ёки интернетдан битта клип юклаб олиш нархига тенг.

қил этиш чораларини кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Усимликлар карантини давлат инспекцияси:

2019 йил 1 ноябрга қадар Давлат активларини бошқариш агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят ҳокимликлари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Наманган ва Бухоро вилоятлари ҳудудий инспекцияларини бино билан таъминлаш ва замонавий халқаро лаборатория талабларига жавоб берадиган ускуналар билан жиҳозлаш;

марказий карантин лабораторияси ҳамда Сирдарё, Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудий инспекцияларининг замонавий лаборатория биноларини қуриш ишларини 2020 йил 1 апрелга қадар якунлаш;

2020 йил 1 сентябрга қадар марказий карантин лабораториясини халқаро аккредитациядан ўтказиш;

2020 йил 1 ноябрга қадар марказий ва худудий карантин инспекцияларини қўшимча 5 та сайёр (мобиль) лабораториялар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги ПҚ-3818-сон "Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда боғхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига 2-иловадан "8418 69 000 9" ва "8415 81 001 0" позициялар чиқариб ташлансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан ҳамкорликда 2019 йил 1 октябрга қадар "agroonline.uz" ахборот тизими негизида:

аҳоли хонадонлари, деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари далаларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг турлари ва ҳажмлари бўйича электрон маълумотлар базасини;

тайёрлов корхоналари, сақловчи, қайта ишловчи, экспорт қилувчи ташкилотлар ва бошқа хариддорларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини маҳсулот турлари ва ҳажмлари бўйича ягона электрон ахборот тизимини;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва улгуржи хариддорлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамда шартномавий муносабатларни (контракция) электрон тижорат шаклида ташкил этиш тизимини ишлаб чиқиш, жорий этилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси Р.А.Гулямов зиммасига юклансин.

Нарх ошгани унчалик оғир эмас. Лекин тўлов юқини янада енгиллаштириш мумкин – тежадор чироклар ўрнатиш, чоини "Тедфал"да эмас, газда қайнатиш, кир ювиш машинасини тўла қувват билан ишлатиш, оқшом кондиционерини ўчириб қўйиш ва ҳокзо.

Нарх ошмаса, ҳаёт қанчалик енгил бўлиши ҳақида истанганга гапириш мумкин. Лекин шу тарзда давом этаверсак, оқибат нималарга олиб келишини ҳам ўйлаб қўриш вақти келди. Келажақ авлод бизни кечирадимми?

Электр энергияси соҳасига "ижтимоий меъёр" тизимини жорий этиш ҳам кўзда тутилмоқда. Яъни, айтайлик, бир оиланинг ойлик эҳтиёжи 250 киловатт деб белгиланади ва бу миқдор ошиб кетмаган тақдирда, тўлов белгиланган нархда амалга оширилади. Аксинча эса, қўшимча тариф қўлланилади. Бу истеъмолчиларни тежадорликка қўради, беҳуда энергия

(Боши 1-саҳифада)

Албатта, бу шунчаки рақамлар эмас. Унинг ортида юрт фаровонлигини юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш каби эзгу мақсадлар мўжасам.

Пахтаминг ранги, толасининг узунлиги, пишқилги ва микронейер кўрсаткичлари билан халқаро стандартларга тўла жавоб беради. Бу унинг жаҳон тола бозорига хариддорлигини таъминлайдиган энг муҳим жиҳатларидир. Аммо Президентимиз таъкидлаганидек, ушбу толаи ўзимизда қайта ишлаб, тайёр маҳсулот шаклида жаҳон бозорига олиб чиқас-чи? Даромад бир неча баробарга ошиши табиий. Қолаверса, пахта ўсимлигининг олиннадиган яна юзлаб маҳсулотлар ҳам борки, буларнинг барчаси иқтисодий самарани бир неча баробарга оширади. Энг муҳими, кўплаб янги иш ўринлари яратилади.

Сирдарё вилоятида тажриба сифатида Ўзбекистон – Буюк Британия кўшма корхонаси «Vek cluster» масъулияти чекланган жамияти агросаноат соҳасида биринчи кластер сифатида ташкил этилган бўлса, бугун юртимизнинг барча ҳудудларида бу тажриба янада оммалашмоқда. Бир сўз билан айтганда юртимиз иқтисодиётидаги янги тузилма пахтачилик-тўқимачилик кластерлари катта самардорликка эришишни бошлади.

НУФУЗЛИ КОМПАНИЯ ҲАМ МУҲИМ ҲАМКОР

Президентимизнинг мазкур ҳолисани хорижий давлатларнинг нуфузли компаниялари ҳам қўллаб-қувватлаб, бо шохда ҳамкорликни амалга ошираётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикасида «Индорама» (Сингапур) компанияси томонидан замонавий пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида Сингапурнинг «Индорама» компанияси мамлакатимизда пахтачилик-тўқимачилик кластерини ташкил этиш учун 340 миллион доллар сармоя киритмоқда.

Шу ўринда «Indorama Group» компанияси ҳақида бир оғиз сўз. Мазкур компания 1976 йилда ташкил этилган бўлиб, бош қароргоҳи Сингапурда жойлашган. Жануби-Шарқий Осиёнинг энг йirik ип-кавала (500 минг калава) ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Компаниянинг тўқимачилик корхоналари Индонезия, Таиланд, Туркия ва Шри-Ланкада жойлашган. Йилгига ип-кавала ишлаб чиқариш ҳажми 135 минг тоннани ташкил этади (шундан 28 фоизи Ўзбекистонда). Тўқимачилиқдан ташқари, компания нефть ва газ-химё тармоқларида, полиэстер ва синтетик матолар, кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича йirik қувватларга эга. Компания жаҳоннинг энг йirik полиэстер иш ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади, унинг жаҳон бозоридаги улуши 5 фоиздан ортиқ. Компаниянинг 28 мамлакатда жойлашган 70 ишлаб чиқариш корхонасида 90 миңдан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Умумий йиллик даромад 10,5 миллиард долларни ташкил этади.

Мазкур компания мамлакатимизда ҳам йirik лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. 2010 йилда қурилиши тугалланган «Кўкөн текстиль комбинати» мажмуаси мулк негизда «Indorama Kokand Textile» Ўзбекистон – Сингапур кўшма корхонаси ташкил этилди. Ўтган даврда лойиҳа асосида ўзлаштирилган тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳажми 164 миллион долларни ташкил этди. Аини пайтда бу ерда 1 миң 250 ишчи-ҳодим

КЛАСТЕРЛАР

ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ РИВОЖИДА ЛОКОМОТИВГА АЙЛАНМОҚДА

меҳнат қилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосий қисми хорижга экспорт қилинаётир.

– Ўзбекистон пахтачилик ва тўқимачилик соҳасида жаҳон бозорига ўз ўрнига эга, – дейди кўшма корхонанинг ишлаб чиқариш директори Сендеп Бора. – Корхонамизда бир йилда 50 миң тонна пахта қайта ишланиб, сифатли ип-кавала тайёрланмоқда. Бу маҳсулотларга Туркия, Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатларда талаб катта. Яқинда Мисрда хизмат сафарига бўлганимда экспертлар томонидан ўзбек толасининг сифати юқори баҳоланди. Бу алоҳида эътирофга лойиқ. Шунингдек, компаниямиз турли йўналишларда йirik лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Юртимизда яратилган имкониятлар тўғрисида кўшма корхонамиз томонидан ҳам пахтачилик кластерларини ташкил этиш ишлари муҳим эътибор қаратишмоқда.

«Indorama Group» компаниясининг 2019-2023 йиллар учун мўлжалланган пахтачилик-тўқимачилик кластер лойиҳаси икки босқичдан иборат бўлиб, аини пайтда Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида мазкур йўналишдаги ишлар бошлаб юборилган. Фаргона ва Жиззах вилоятларида эса келгуси йилдан бошланади. 225 миллион доллар маблағ пахта хомашёси, маккажўҳори ва бошқа маҳсулотлар етиштиришга йўналтирилади. Бундан ташқари, компания пахта хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва пахтадан айирилган ип ишлаб чиқаришни ташкил этиш (иккинчи босқич) учун яна 115 миллион доллар сармоя киритади. Ишлаб чиқариш «Indorama Kokand Textile» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги кўшма корхонанинг мавжуд қувватларида жойлашган.

АГРАР СОҲАНИНГ «ЛОКОМОТИВИ»

Ҳўш, пахтачилик-тўқимачилик кластери нима, унинг қандай афзалликлари бор?

Кластер усули қишлоқ ҳўжалигида ерни шудгорлашдан тортиб, экиш, парвариш ва хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараёндаги кўп босқичлик комплекс тизимини ўз ичига олади. Бу ягона технологик заنجирки бирлаштирилган корхоналар мажмуи бўлиб, у илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштириш, янги технологияларни амалиётга жорий этиш имконини беради. Ўзбекистон тўқимачилик ва энгил саноати тизимида кластерларни шакллантириш масаласи мамлакат миқёсида эмас, балки минтақалар – вилоятлардаги аниқ иқтисодий – ижтимоий шарт-шароитлар асосида, кластер назариясининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилаётгани энг оқилона йўллардан биридир.

Пахта-тўқимачилик кластери нафақат энгил

саноатни, балки ўз йўлида қишлоқ ҳўжалиги, озик-овқат саноати, фармацевтика, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш каби ўнлаб тармоқларни ҳам қамраб олади. Мазкур тизимнинг пировард мақсадида юқори сифатли, «Ўзбекистон» бренди остида маҳсулотлар яратиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш каби муҳим масалалар ечими ўз ифодасини топади.

Пахтадан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 14 декабрдаги «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди. Шу асосда Вазирлар Маҳкамаси пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар режасини қабул қилди. Пироваврида, пахтачиликда илгор агротехнологиялар жорий қилиниб, кластер корхоналари ёрдамида фермер ҳўжаликлари ҳам замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникалари билан таъминланмоқда. Биргина 2018 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларида 14 пахта-тўқимачилик кластери ташкил қилинди. Улар томонидан 368 миң тонна пахта хомашёси етиштирилиб, қайта ишланмоқда. Жорий йилда мамлакатимизда 48 пахтачилик-тўқимачилик кластери ташкил этилди.

Кластер тизимининг яна бир афзал жиҳати техникалар харид қилишда ҳам кўп келмоқда. Яъни, пахта-тўқимачилик кластерлари қишлоқ ҳўжалиги техникалари паркинни яратиши, эҳтиёжга кўра зарур янги қишлоқ ҳўжалиги техникаларини чет элдан 2020 йил 1 январга қадар божхона тўловларисиз олиб келиши мўмкин. Шу имтиёздан фойдаланган кластер корхоналари 2018 йилда 1400 га яқин замонавий, тежамкор қишлоқ ҳўжалиги техникасини харид қилди.

Сир эмас, хомашёдан кўра, уни тайёр маҳсулот қўринишида сотиш, экспорт қилиш ҳам давлатга, ҳам ишлаб чиқарувчига фойда келтиради. Кластер тизимида эса шу мақсадга эришиш мўмкин.

**«ИНДОРАМА» КОМПАНИЯСИ:
ХОМАШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТГАЧА**

Қашқадарё вилоятида кластер асосида иш бошлаган «Индорама агро текстиль» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хорижий корхона самарали фаолият олиб бормоқда. Мазкур хорижий корхонага вилоятнинг Касби ва Нишон туманларидан қарийб 11 миң гектар ер майдони ажратилган. Аини кўнларда ушбу майдонларда пахтанинг «Бухоро-8» ва «Бухоро-6» навлари парваришланмоқда.

– Асосий эътиборни сифатли маҳсулот етиштиришга қаратганмиз, – дейди корхона иш бошқарувчиси Ҳикматулла Бўриев. – Бунинг учун барча агротехник тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз. Дастлаб чигит экиладиган ер тўлиқ шудгор қилиниб, икки сира текисланди. Сўнг пушта олиниб, уруғ қадалди. Экиш билан бирга гектарига 200 килограмдан фосфор, 50 килограмдан калий ва 50 килограмдан азотли ўғит берилди. Бу чигитнинг бир текис униб чиқишига хизмат қилди. Ғўза қатор ораларига 4 марта культивация ва бир марта рихнител билан ишлов бердик. Уч бора минерал ўғитлар билан озиклантирилди. Ўғитлар сарфи гектарига 800 килограмдан тўри келмоқда. Бундан ташқари, сув қуйиш тадбирлари ҳам вақтида амалга оширилаётир. Аини пайтда пахта майдонларимизга иккинчи сув олиноқмада. Чет эллик ҳамкорларимиз томонидан жўнатилган мутахассислар таъминлари иш унумини янада ортирмоқда. Ғўзаларнинг ривожланиши кўнгилдагидек. Насиб бўлса жорий йилда ўртача 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллаяпмиз.

Дарақикат, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишида қишлоқ ҳўжалиги техникаларининг ўрни беқийс. Шу боис аини пайтда корхона тасарруфидаги ғўза майдонларида хориждан келтирилган «Orthman» русумли 25 дона энг сўнгги русумдаги қишлоқ ҳўжалик техникалари куну тун ишланмоқда. Улар агротехник ишларни сифатли бажариш билан бирга иқтисодий самардорликка ҳам эга. Масалан, бундай тракторлар орқали бир кунда ўртача 65-70 гектар ғўзани культивация қилиш мўмкин.

– Техника дехқоннинг кучига куч қўшади, – дейди корхона муҳандиси Раҳматулла Чўлиев. – Техникаларимизнинг барчаси автоматлашган. Битта тракторга 3 механизатор бириктирилган. Навбатма-навбат ишланиши эвазига иш унуми юқори. Тракторлар салонларида йилнинг исталган об-ҳаво шароитида эмин-эркин ишлаш имконияти мавжуд. Шунинг учун механизаторларимиз қийнмайди. Дори сепадиган техникаларимиз ҳам жуда самардор. Бир кунда 200-250 гектар майдонга кимёвий воситаларни сепса олади. Уларнинг узлуксиз ишлаши учун замонавий ёқилги ташиш техникалари ҳам харид қилинган. Ҳар бири 8 миң литрдан зиёд ёқилги сиғимига эга. Ёқилги даланинг бошигача етказиб берилмоқда. Мақсад ғўзанинг баравж ривожланишини таъминлаш.

Ғўза парваришида сўғориш тизимининг яхши йўлга қўйилгани ҳам муҳим. Чунки ишлов берилиб гулга ўтирган ғўзалар тез сувга келади. Бунинг учун корхона жамоаси мавсум бошидан пахта тайёргарлик қўрди.

– Корхонамизга қарашли ерларда 113 сув

олиш иншооти, 267 километр сув йўллари мавжуд, – дейди корхона бош ирригатори Ўткир Ғойипов. – Сўғориш мавсуми бошлангунга қадар 40,5 километр канал ва ер ариқлар тозаланди. 171 километр мософадаги шох ва ер ариқларда кўл кучи билан ҳайров тадбирлари амалга оширилди. Сувни ростлаш учун лотокларга 70 дона, каналлардаги сувни ростлаш учун эса 34 дона ҳар хил ўлчамдаги янги сув тўсиш дарвозалари ўрнатилди. 10 дона СНҒ 500/10 маркали насос ва 10 дона тоқ бевуви трансформаторлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, корхона ҳисобидан 2 дона СНҒ 500/10 маркали янги насослар ўрнатилди. Шу боис сўғориш тизимида муаммолар йўқ. Ишчи ва хизматчиларнинг барчаси махсус этик, фонар ва сув тараш учун зарур бўладиган бошқа ашёлар билан таъминланган.

Масалан, Касби туманидаги пудратчи Ғайбулла Ҳайдаров даласида ҳам аини кўнларда иш қизган. 52 гектар майдонда парваришланган ғўзалар баравж ривожланмоқда. Боиси далада ишлар тизимли йўлга қўйилган. Ҳозир бригадир пахтага иккинчи сувни олган. Бир текис эгаларда маҳаллий ўғит аралаштирилиб, шарбат усулида оқизилаётган сув қийнамай юрмоқда.

– Меҳнат қилган, албатта, барака топади, – дейди Ғ.Ҳайдаров. – Экиш мавсуми бошлангандан буён дала шийпонига оилавий кўчи келганмиз. Шу ернинг ўзида икки маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Ўтаётган ҳар бир кун ғўза ривож учун муҳим. Шунинг учун кечая кундуз ишляяпмиз. Ойлик маошлар вақтида тўланмоқда. Ҳозир ғўзаларимиз 12-13 тагача кўсақ солди. Насиб этса уларнинг сони 20 донадан ошса, қўтилган натажани беради. Ҳосил чўғи баянда бўлади. Кластер усулида ишлаш бизга жуда маъқул бўлди. Илгари техника, минерал ўғит, ёқилги, сув масаласи бўйича жуда овора бўлар эдик. Далада иш қилиб, ўша муаммоларни ҳал қилиш билан банд бўлиб қолардик. Натихада ҳеч бирини вақтида амалга ошира олмадик. Ҳозир эса ҳаммаси муҳайё. Фақат ишлаш керак.

Кластер усули жорий этилиши одамларимизнинг ерга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирмоқда. Бунга доимий иш ўрни ҳамда моддий манфаатдорлиқи таъминлаш орқали эришилмоқда. Муҳими, хомашёни чуқур қайта ишлаб, юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот тайёрлаш ва уни экспорт қилишдан катта даромад олишдир.

Корхона жамоаси галладан бўшаган майдонларга 2020 йил ҳосили учун ерларни тайёрлаш ишларини ҳам бошлаб юборган. Шунинг учун ҳозирда 4 та хориждан келтирилган замонавий лазерли дилнабаза ерларни обдон текислаш ишларини олиб бормоқда. Улар орқали жорий йилда 400 гектар ерни текислаш режалаштирилган. Чунки ер қанчалик текис бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Дарақикат, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Пахтачиликда қишлоқ ҳўжалигининг келажаги, унинг иқтисодий самардорлиги кластерлар билан боғлиқ. Кластерлар аграр соҳани жадал ривожлантиришнинг «локомотиви» бўлиши керак». Давлатимиз раҳбари раҳнамоллигида амалга оширилаётган бу каби улкан ислохотлар одамларни ҳаётдан рози қилиш, юрт фаровонлиги ва раънақи учун хизмат қилиши билан тарих зарварларидан ҳил олади.

Маъсуджон СУЛАЙМОНОВ,
Улмаc БАРАТОВ,
ЎЗА мухбирлари.

(Боши 1-саҳифада)

Ҳақиқатан ҳам, кўрган, билган одамнинг шундай хаёлга бориши табиий. Ким бўлса ҳам ўйлайдида, шуунча муассиси бор экан, бир чўқимдан берса тўйдирар, бир муштан берса, ўлдирар, деганларидек, бу газетанинг иқтисодий муассиси бўлмаса керак, деб. Аслида бундан аввалги йилларда шундай эди. Газета адади 30 миңга яқин эди. Бунда шубҳасиз муассислар кўмаги асқотиб келган. Афсуски, бугунги аҳвол бундай эмас! Шунча

МУАССИСЛАР БОРМИСИЗ, ГАЗЕТАНГИЗНИНГ ҲОЛИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?..

муассиси бўла туриб, газета аранг тўрт миң нусха атрофида чоп этилмоқда. Йўғон чўзилар, ингичка узилар, деганларидек, вақтида чораси кўрилмаса, ингичка ип узилиб кетиши ҳам мўмкин. Бунинг устига обуна уюштирган шововозлар бор, обуна пулини ҳам бермайди. Шу ўринда яна

бир гап. Айрим муассисларга газетанинг тақдирини Сизларни қизиқтирмаяпти, бас, шундай экан, муассисликдан чиқаверинг, мазмундаги хат билан мурожаат зарур бир востига сифатида фойдаланиш мақсадлари нима бўлади? Шундай экан, газетанинг қай аҳволда чиқиши, тахририятнинг қай

оммабоплигини оширса, адади кўпаяр, деган. Ҳа, бунинг йўли кўп. Унда номлари саналган муассисларнинг нашр таъсис этишдаги, Низомдаги ўз фаолиятларида зарур бир востига сифатида фойдаланиш мақсадлари нима бўлади? Шундай экан, газетанинг қай аҳволда чиқиши, тахририятнинг қай

Янги уй – янги орзу-умидлар остонасидир

Президентимизнинг Сурхондарё вилоятидаги Халқ қабулхонаси вакиллари 2017 йилда худудда уй-жой билан боғлиқ мурожаатларнинг ўсиши сабабларини таҳлил қилганида, кейинги ўн йилда воҳода аҳоли сони ярим миллионга кўпайгани ва ҳар йили 25-30 миңдан ортиқ янги оилалар шаклланиши ҳолда уй-жойлар қуриш қўлами мунтазам равишда ўсиб бормоганини кўрсатди.



Халқ қабулхонаси тақлифига асосан вилоят ҳокимининг қарори билан вилоятда 7 миңга яқин фуқарога яқка тартибда уй-жой қуриш учун ҳамми 540 гектар ер майдони ажратилган, бу борадаги мурожаатлар икки ярим баробарга камайди. Бундан ташқари, 2017 йили янгиланган лойиҳалар асосида вилоятда 1 миң 129 та уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, бу жараёнда уй-жойга муҳтож, меҳнатга лаёқати чекланган, ногиронлиги бўлган инсонлар яшаётган 171 оила арзон ва замонавий уйларга эга бўлди.

2017 йил 29-30 декабрь кўнлари вилоятнинг барча туманида ана шундай 140 оила янги уйларга кўчиб кирди. Мазкур уйларнинг бошланғич бадали учун 2 миллиард 710 миллион сўм шакллантирилган бўлса, бунинг 1 миллиард 320 миллион сўми давлатимиз томонидан тўлаб берилди.

Воҳода қишлоқ жойларда яшаётган, уйга муҳтож бўлган аҳоли учун турар-жойлар қуришдек хайри ишлар мунтазам амалга оширилмоқда. Ўтган йилда 171 миллиард 500 миллион сўм маблағ сарфланиб, 1052 та оила учун янги уйлар бунёд этилди. Мазкур уй-жойлар учун ташқи коммуникация тармоқларини қуриш бўйича 21,5 км. сув тармоғи, 21,9 км.

ички йўллар, 23,2 км. электр тармоқлари, 17,2 км. газ тармоқларини қуриш ишлари амалга оширилди. Жорий йилда эса вилоятда 1001 та уй-жой қурилиши белгиланган. Қурилаётган уйларнинг 881 таси арзон уй-жойлар ҳисобланади. Аҳамиятли томони ана шу уйларнинг 773 таси уйга муҳтож, кам таъминланган оилаларга, 64 таси оғир ижтимоий ҳолатга тушиб қолган аёлларга 44 таси эса жамиятда алоҳида намуна кўрсатаётган ёш оилалар учун қурилмоқда. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун 4 та 5 қаватли Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари учун ҳам шунча уй-жойлар қурилади. Бунёдкорлик ишлари саложатини пудратчилар томонидан жадаллик билан олиб борилмоқда.

Вақт югуриқ. Ҳаш-паш дегунча, йил якунига етади. Унга қадар бунёдкорларимиз ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб, ҳамюртларимизга янги уйларни топширади. Янги уй эса янги орзу-умидларнинг дебечаси, ширин ва тотли ҳаётнинг остонаси бўлади.

Қудрат ҚУРБОННИЁЗОВ,
«Қишлоқ қурилиш иневет» инжиниринг компанияси Сурхондарё вилояти филиали директори.

ЎЭЪЛОН

Ҳурматли тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!
“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ
такрорий очик аукцион савдоларига таклиф этади!

“Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қосидаги “НБУ Бунёдкор Инвест” МЧЖнинг 2019 йил 29 июлдаги 751-сонли буюртмаси асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

- 1.Жиззах вилояти, Зомин туманида жойлашган, умумий майдони 12600 кв.метр, қурилиш ости майдони 7019,88 кв.метр, 14 та литердан иборат, 1 қаватли “Зомин дехқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 23 342 215 138 сўм.
- 2.Андижон вилояти Асака туманида жойлашган “Асака дехқон бозори” 2 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 3666 кв.метр, қурилиш ости майдони 2846,8 кв.метр, 5 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 7 275 354 000 сўм.
- 3.Фаргона вилояти, Қўштепа туманида жойлашган, умумий майдони 14300 кв.метр, қурилиш ости майдони 2494,32 кв.метр, савдо расталари, автотурагоҳ 7 та литердан иборат, 1 қаватли “Қўштепа дехқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 5 094 643 884 сўм.
- 4.Фаргона вилояти, Бешарик туманида жойлашган, умумий майдони 11921,32 кв.метр, қурилиш ости майдони 21500 кв.метр, савдо расталари, автотурагоҳ 7 та литердан иборат, 2 қаватли “Бешарик дехқон бозори” мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 6 595 087 738 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 12 август куну соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кўнлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куну олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Юқоридаги мулклар 2019 йил 12 август куну сотилмаган тақдирда, тақрорий савдолари 2019 йил 15, 19 август кўнлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куну олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги қўриқ савдосининг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
- жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо голибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куну ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабдорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “Ko`chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО.01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширунгуна қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмазор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

Тошкент вил. Паркент т.да жойлашган “PARKENTSUVQURILISH” МЧЖ
Акциясининг улушлари тўлиқ Россия инвесторлари томонидан сотиб олинганлиги муносабати билан Паркент т. Ягона дарча маркази томонидан 2019 й. 26 июлда “PARKENTSUVQURILISH” хорижий корхона сифатида рўйхатдан ўтказилиб, хорижий корхона сифатида ўз фаолиятини бошлаганлигини маълум қилади.

✓ Кизилқумнинг яна бир мўъжизаси

Тутқунликдаги озод ҳаёт

Бухородаги "Жайрон" қўриқхонаси ҳайвонот оламини катта қисми йўқолиб кетиш хавфи остида қолган, чўл оҳуси – жайрон популяциясини асраб қолиш мақсадида собиқ иттифоқ ҳудудида ташкил этилган еттига қўриқхонадан ягона сақланиб қолганидир.



маганлиги, бу йўналиш бўйича марказда инфратизим қулайликлари йўқлиги аққол кўриниб турибди.

Тўғри, қўриқхона маъмуриятининг режаларига кўра, сайёҳларга питомникда кўпайтирилаётган ҳайвонларни кузатиш, ҳудудни ва фауна оламини суратга олиш учун қулайлик яратиш мақсадида махсус кузатув майдонини реконструкция қилиш кўзда тутилган. Лойиҳа доирасида ушбу муаммо ечимига реал ёндашилди ва қўриқхонага четдан кирувчиларни инобатга олиб, питомникдаги ҳайвонларнинг яшаш тарзига ҳалақат бермаслик мақсадида режадаги кузатув майдонини 3 бараварга қисқартириб, кўпайтирилаётган 8 тур сут эмизувчи ҳайвонлар учун алоҳида-алоҳида, ҳар бир объектнинг биологияси эътиборга олинган ҳолда вольерлар қурилди.

У 1977 йилнинг май ойида ноёб ҳайвонлар турини кўпайтириш мақсадида ташкил этилган давлат илмий-ишлаб чиқариш ташкилоти бўлиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофазат қилиш давлат қўмитаси тасарруфида.

"Жайрон" қўриқхонаси ноёб ҳайвонларни кўпайтириш бўйича халқаро эътироф этилган марказ ҳисобланади. Айтиш мумкин, қўриқхонада "Ўзбекистон қизил китоби"га киритилган турларни ва табиатни муҳофазат қилиш халқаро Иттифоқнинг қизил рўйхатини ишлаб чиқиш билан ҳам шуғулланади.

"Жайрон"даги бепоён саҳро кенгликларининг эрка мавжудотлари гарчи тутқунликда бўлса-да, жажжи оҳуларнинг атрофи ўралган оддийгина вольерларда рақсга тушиши, эркаланиб пиширилган сугир сутини махсус идишдан ичиши, бир-бирлари билан қувлаш-мачоқ ўйнаши кўнгилни хотиржам қилади. Зотан, бу ердаги жонзотлар тутқунликдагина ўз ҳаётларини сақлаб қолади.

Бугунги иқлим шароити ўзгараётган айтиш мумкин табиат инжиқликларидан наинки табиат, балки ноёб ҳайвонот оламини ҳам азият чеқмоқда. Бир вақтлар бу масканда салло-ниб юрган гепардлар бугунги кунда йўқ...

ОДДИЙ ҚўРИҚХОНА ЭМАС, ИЛМИЙ МАСЛАҲАТХОНА ҲАМ

Марказда Ўзбекистон Фанлар академияси, Ветеринария институти, Россиядаги қатор илмий-текшириш институти, Франция Фанлар Академияси, АҚШ даги Калифорния институти, Германиянинг Зоология институти билан ҳамкорлик ўрнатилган. Халқаро ҳамкорлик натижалари ёмон эмас. Жайронларни вольер усулида парвариш қилиш уларни кўпайтиришга ёрдам бермоқда. Масалан, жайрон болалар тугилган кунданок, она сүти билан эмас, кўлдан сүт бериш билан парвариш қилинади. Бугунги кунда Тожикистон Республикаси 30 та жайрон сотиб олиб, ўзларида кўпайтиришга киришди. Бирлашган Араб Амириклари, Қозғистон Республикаси ҳам жайронларни олиб кўпайтириш ҳаракатида. Бухоро тоғ кўйи сони 2016 йилда 4 тагина эди. Ҳозирда улар сони 67 тага етди.

"Жайрон" питомнигида жайронлар сонининг шу йилнинг ўзидаёқ 1000 га етказилиши кўзда тутилган.

Саратоннинг иссиқ кунлари, қишнинг қаҳратонларида қўриқхонанинг катта ҳудудини кезиб, ноёб жониворларнинг ҳаётини асраётган 32 нафар питомник ходими бу гўзал мавжудотларнинг деярли барчасини танийди. Чунки уларнинг кўпчилиги ишчиларнинг кўлида катта бўлган. Кўзалари тиниқ, эрка оҳуларни чет эллик сайёҳлар қўриб, ҳавас қилса, ўз юртдошларимиз, ёшларимиз уларни кўриб завқланса, табиатни севишни, асрашни ўрганса қандай яхши!

Маруся ҲОСИЛОВА,
журналист.

ЭКОТУРИЗМГА ЯНГИ ИСТИҚБОЛ КЕРАК

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ҳам мазкур табиат масканини ривожлантириш учун маблағлар ажратилмоқда. Хусусан, фонд Навоий шаҳрида фаолият юритаётган "Жонли табиат" жамоат бирлашмасига 140 миллион сўм маблағ ажратди. Бу бирлашма "Жайрон" қўриқхонасини тарғиб қилади.

Нафақат Марказий Осиёда, балки жаҳонда ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган илмий амалий марказлардан бирига айланган ушбу қўриқхона ишчи ва ходимлари, айтиш мумкин, табиий шароитда кам қолган ноёб ҳайвонлар: жайрон, қулон, Прежевал оти, Бухоро тоғ кўйи, морхўр, Бухоро хонгулини ярим тутқунлик шароитида сақлаб қолиш ва кўпайтириш ишлари билан шуғулланади.

Бундан ташқари, бу ерда йўқолиш хавфи арафасида бўлган айрим тур ҳайвонлар бўйича нуфузли халқаро илмий ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳалар ҳам амалга оширилмоқда.

Ҳозирда питомник ҳудудида 997 бош жайрон, 138 бош қулон, 24 бош Прежевал оти, 3 бош Бухоро бугуси (хонгул), 1 бош бурама-шоҳли тоғ эчкиси (морхур), 67 бош Бухоро кўйи ва бошқа кўпга ноёб ҳайвонлар бор.

Ҳақиқатан ҳам шундай катта имконият ва салоҳиятга эга бўлган бу масканда бугунги кунгача жуда долзарб бўлган экотуризм тизими самарали йўлга қўйил-

✓ Реклама



"UZGUMI" – ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ ГАРОВИ

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштирувчи восита бўлиб, адоптоген, антидот ва иммуномодулятор хусусиятига эга препарат ҳисобланади.



"UZGUMI" БИО-ЎҒИТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ:

- Уруғларнинг унвечанлигини оширади;
- Ўсимлик ҳаётининг дастлабки даврдан бошлаб ўсиш ва ривожланиш жараёнларини жадаллаштиради;
- Ҳосилнинг пишиб етилишини тезлаштиради;
- Ўсимликларнинг ноқулай шароитлар – сув танқислиги, ҳароратнинг ошиб ёки пасайиб кетиши, тупроқ шўрланиши ҳолатларига нисбатан чидамлилигини оширади;
- Ҳосил элементларининг тўқилишини камайтиради;
- Ўсимликларнинг касалликларга чидамлилигини оширади;
- Тупроқдаги озуқа моддалар ва ўғитларнинг ўсимликлар томонидан ўзлаштирилишини яхшилади;
- Пестицидларнинг маданий ўсимликларга заҳарли таъсири кескин камайтиради;
- Ҳосилнинг етилишини тезлаштиради ва маҳсулот сифатини яхшилади;
- Экинларнинг ҳосилдорлигини оширади.

"UZGUMI" БИО-ЎҒИТИНИНГ ИННОВАЦИОН ЯНГИЛИГИ:

- Тўлиқ равишда маҳаллий хомашё асосида инновацион ёндашуви ва илғор технология воситасида тайёрланган;
- Ўсимликларнинг касалликларга, шунингдек, ноқулай таъсирларга (қурғоқчилик, ортиқча намгарчилик, совуқ ва бошқалар) чидамлилигини оширади;
- Ҳосил пишишини 5-8 кунга тезлаштиради;
- Кимёвий ўғитлар, жумладан, аммиакли селитра сарф миқдорини 20-30 фоизга камайтириш имконини беради;
- Экинлар ҳосилдорлигини галла ва пахтада 12-20 фоизга, сабзавот ва полizza 13-22 фоизга оширади;
- Дон ҳосилдорлигини ўртача 9-10 центнерга ошириш таъминланади;
- Маҳсулот таркибида витаминлар, қанд, ёғлар, оқсил ва бошқа моддалар миқдорини ошириш ҳисобига унинг сифатини яхшилади;
- Тупроқ унвдорлигини ҳамда сув сақлаш қобилиятини оширади;
- Тупроқда пестицид, оғир металллар ва бошқа токсин қолдиқларини бириктириши сабабли уларнинг ўсимликларга, сизот сувларга ва атмосферага тушишининг олдини олиш имконини беради.

"UZGUMI" БИО-ЎҒИТИ ТАРКИБИДА ЎСИМЛИКЛАР ҲАЁТИ УЧУН ЗАРУР БЎЛГАН ҚЎЙИДАГИ БИОЛОГИК ФАОЛ МОДДАЛАР МАВЖУД:



Ишлаб чиқарувчининг манзили: "TBS GROUP" МЧЖ Ўзбекистон. Тошкент ш. Амир Темуր кўчаси, 107 Б уй.
Телефон/факс: (+99871) 238-93-17, 238-93-14. E-mail: info@tbs-group.uz

Маҳсулот сертификатланган.



ТРАКТОРВОР.UZ

«МТЗ» ВА «БЛЮМИНГ» КОМПАНИЯЛАРИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ



(+998 98) 125-7-125 (+998 98) 125-8-125

Маҳсулотлар сертификатланган.

Тўловлар нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Хизматлар лицензияланган.

✓ Реклама ва эълонлар

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- "Беларусь" тракторлари эътиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Маҳсулотлар сертификатланган.
Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

«Ярроғий стандарт» МЧЖ таъсисчи «Ярроғий» АЖКнинг 2019 й. 1 июлида 2-сонли йиллик баънамажасига асосан ўз устав фонди 674 909 206.90 сўмга ўзгартирилган келишди. Диларлар кўчили 1 оқ. Тел.: (+99893) 500-43-70, (71) 280-43-20.

М.Ушбаев т. ДММ томонидан 14.06.2018 й. 618151 растр тартиб раваки билан рўйхатдан ўтган "FAVORIT GOLD BUSINESS" МЧЖ (СТПР 305854754) тузилмади. Диларлар (88) 125-83-43 тел. раваки оралиб қабул қилинади.

М.Ушбаев т. "ELEMENТ TRADING" МЧЖ (СТПР 303320624) устав фонди 195 500 000 сўмга 05.05.2020 сўмга ўзгартирилганлиги маълум қилди. Диларлар (87) 425-11-11 тел. раваки оралиб қабул қилинади.

Тошкент ш. Олмасор т. қоғалар т.ТОРИ томонидан 2019 й. 7 июнда 614571

қулоқомга олиб рўйхатдан ўтган Давлатова сўм. 40-ўйда жойлашган "SUNNY BEST" МЧЖ (СТПР 305522220) нуқсонини 2019 й. 23 июлда 2-ҳарор баънамажасига асосан тузилмади. Диларлар кўчили 500х чиқариб бошқаб 6 оқ.

Тошкент ш. Чилонзор-2, 58-ўй 48-қоғаларга Мамакўли Азизбек Иброҳимов номидан берилган ўй қулоқлари йўқолишини нуқсонлиги билан Белор ҳисобланади.

Тошкент ш. Қўйиқ маҳалла-2, 31-ўй 24-қоғаларга Тробинович Роберт Леонидович номидан 1993 й. 11 январда берилган 03-01816 давлат оралиб қабул қилини сабабли Белор ҳисобланади.

Тошкент ш. Сергеев-8, 74-ўй 50-қоғаларга Сергеев т. ешди раваки томонидан Қоғалар Тўлиқлар Маркисович номидан берилган давлат оралиб қабул қилини сабабли Белор ҳисобланади.

Тошкент ш. Олмасор т. қоғалар т.ТОРИ томонидан 2019 й. 7 июнда 614571

СПЕШИТЕ ПРИОБРЕСТИ СОВРЕМЕННУЮ ТЕХНИКУ!!!

<p>651 300 000 сум 254 300 000 сум</p> <p>КАМАЗ 5490 (NEO)</p>	<p>439 300 000 сум 529 300 000 сум</p> <p>КАМАЗ 5460</p>	<p>480 000 000 сум 589 000 000 сум</p> <p>КАМАЗ 6460-26001</p>	<p>436 000 000 сум 595 000 000 сум</p> <p>КАМАЗ 6460-001</p>
<p>201 800 000 сум 221 800 000 сум</p> <p>Шторно-тентовый полуприцеп 92 м³</p>	<p>377 700 000 сум 527 700 000 сум</p> <p>Полуприцеп-рефрижератор 83 м³</p>	<p>200 000 000 сум 208 000 000 сум</p> <p>Прицеп шторно-тентовый 50 м³</p>	

ООО "1-Son Avtokorxonasi" тел: +99 897 447 88-39

Маҳсулотлар сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
таркибидagi ханда бошқа
дахлдор вазирилар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Жамиш ХУЖАЕВ, Шавак ҲАМРОЕВ, Бақриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТЕШАЕВ, Муҳаммадхон ТОШБОЛАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Ақтам ХАИТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Раимқул СУЯРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Иجتимойий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04, web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

- Вилоятлар:
- Андижон – (+99893) 630-73-03;
 - Бухоро – (+99891) 401-29-59;
 - Жиззах – (+99893) 940-10-78;
 - Навоий – (+99891) 332-50-99;
 - Наманган – (+99893) 949-53-86;
 - Фарғона – (+99890) 407-76-03;
 - Самарқанд – (+99893) 349-54-39;
 - Сирдарё – (+99894) 168-23-60;
 - Сурхондарё – (+99890) 520-20-05;
 - Тошкент – (+99890) 978-39-58;
 - Хоразм – (+99897) 790-47-61;
 - Қашқадарё – (+99897) 290-28-88.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда

№ 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Еуротма Г-825, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қроғз бичими А-2.
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Газета таҳририятининг ўзида компьютерда терилди ва дизайн Маркс ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

4 092 нускада чоп этилди.
НАШР ИНДЕКСИ – 144
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 03.30

ISSN 2010-7021



Навбатчи муҳаррир:
А.ҲАҚБЕРДИЕВ